


## IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ


2020 йил январь-март ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 3 169,2 млрд. сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилиб, ўсиш суръати 96,0 % ни ташкил қилди. Асосий капиталга киритилган жами инвестицияларнинг 1 004,9 млрд. сўми хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига тўғри келди. Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар 2020 йилнинг январь-март ойларида 1 075,5 минг сўмни ташкил этди.

2020 йилнинг январь-март ойларида жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг деярли ярмидан кўп улуши, яъни 56,1 фоизи вилоятнинг 5 та ҳудуди ҳиссасига, жумладан, Олмалиқ шаҳри 18,1 фоиз, Чирчиқ шаҳри 13,2 фоиз, Зангиота тумани 12,2 фоиз, Қибрай тумани 6,4 фоиз ва Оҳангарон шаҳри 6,2 фоизи ҳисобига тўғри келди.

### 2020 йил январь-март ойларида ҳудудлар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (млрд.сўм)




**2020 йил январь-март ойларида ҳудудлар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар ўсиш суръатлари (% да)**



Айрим туманларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Жумладан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан Қуйичирчиқ тумани 650,4 фоиз, Пискент тумани 182,8 фоиз, Ўртачирчиқ тумани 163,1 фоиз ва Зангиота туманида 156,2 фоиз ўсиш кузатилди.

**2020 йил январь-март ойларида ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори**



Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажмининг юқори кўрсаткичлари Оҳангарон шаҳри 5227,7 минг сўм, Олмалиқ шаҳри 4366,6 минг сўм, Чирчиқ шаҳри 2666,7 минг сўм ва Зангиота туманида 1951,5 минг сўмни ташкил этди. Аксинча паст кўрсаткични Бекобод тумани 156,4 минг сўм, Чиноз тумани 260,5 минг сўм ва Бўка туманида 327,2 минг сўмни ташкил этди.

**Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг тақсимланиши**

	<i>млрд.сўм</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>	<i>яқунга нисбатан %</i>
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>3 169,2</b>	<b>96,0</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>531,7</b>	<b>46,4</b>	<b>16,8</b>
бюджет маблағлари	96,8	22,3	3,1
ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш жамғармаси	16,2	594,1	0,5
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	180,8	56,4	5,7
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	237,9	347,4	7,5
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>2 637,5</b>	<b>106,5</b>	<b>83,2</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	1 154,1	112,6	36,4
тижорат банк кредитлари ва бошқа ташкilotлар қарз маблағлари	397,6	53,1	12,5
тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	615,1	287,9	19,4
кафолатланмаган хорижий кредитлар	151,5	268,0	4,8
бошқа хорижий инвестициялар	0,3	33,1	0,01
аҳоли маблағлари	318,9	76,4	10,1

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбаларига кўра, энг юқори кўрсаткич 2020 йил январь-март ойларида корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига 1 154,1 млрд. сўм, яъни яқунга нисбатан 36,4 % ни ташкил қилди.

## 2020 йил январь-март ойлари учун асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари



Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзлаштирилган ҳажми 2020 йилнинг январь-март ойларида 615,1 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 287,9 фоизни ташкил қилди. Бунда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича етакчи ўринларда Оҳангарон шаҳри 157,2 млрд. сўм ва Ўртачирчиқ тумани 59,4 млрд. сўмни ташкил этди. Аксинча тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича паст натижалар Чиноз тумани 0,6 млрд. сўм, Бекобод тумани 6,0 млрд. сўм ва Янгийўл шаҳрида 6,7 млрд. сўм тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

**Асосий капиталга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция  
ва кафолатланмаган кредитлар**

*(млрд.сўм)*

	Жами хорижий инвестиция ва кредитлар	шу жумладан:		Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция	шу жумладан:	
		Инвестиция	Кредит		Реинвестиция	Кафолат- ланмаган кредитлар
<b>Вилоят бўйича</b>	<b>1004868,8</b>	<b>615517,9</b>	<b>389350,9</b>	<b>615203,4</b>	<b>126413,6</b>	<b>151455,9</b>
<i>шаҳарлар:</i>						
Нурафшон	16840,7	16840,7	-	16840,7	-	-
Олмалик	12087,3	12087,3	-	12087,3	-	-
Ангрен	8277,0	8277,0	-	7962,5	23,9	-
Бекобод	52764,4	52764,4	-	52764,4	-	-
Оҳангарон	157248,5	157248,5	-	157248,5	118580,3	-
Чирчиқ	155849,2	28350,9	127498,3	28350,9	-	-
Янгийўл	7674,8	6729,8	945,0	6729,8	-	-
<i>туманлар:</i>						
Оққўрғон	28588,8	28588,8	-	28588,8	-	-
Оҳангарон	54713,2	54713,2	-	54713,2	-	-
Бекобод	6466,9	5956,0	510,9	5956,0	-	-
Бўстонлик	17268,3	17268,3	-	17268,3	1150,8	-
Бўка	10006,1	10006,1	-	10006,1	-	-
Қуйичирчиқ	58348,7	9747,8	48600,9	9747,8	-	48600,9
Зангиота	163550,4	26225,4	137325,0	26225,4	-	70930,8
Юқоричирчиқ	32781,8	30590,0	2191,8	30590,0	-	2191,8
Қибрай	56508,9	13962,2	42546,7	13962,2	297,7	-
Паркент	12960,2	12960,2	-	12960,2	-	-
Пискент	34306,5	34306,5	-	34306,5	-	-
Ўртачирчиқ	59355,1	59355,1	-	59355,1	-	-
Чиноз	10266,2	593,7	9672,5	593,7	-	9672,5
Янгийўл	22208,6	22208,6	-	22208,6	6360,9	-
Тошкент	26797,2	6737,4	20059,8	6737,4	-	20059,8

**2020 йил январь-март ойларида асосий капиталга киритилган  
инвестицияларнинг технологик таркиби**

	<i>Жами млрд.сўм</i>	<i>фоизда</i>	<i>Давлат</i>	<i>фоизда</i>	<i>Нодавлат</i>	<i>фоизда</i>
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>3 169,2</b>	<b>100,0</b>	<b>173,1</b>	<b>5,5</b>	<b>2996,1</b>	<b>94,5</b>
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан % да</i>						
курулиш-монтаж ишлари	1228,9	38,8	128,5	4,1	1100,4	34,7
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	1824,7	57,6	33,2	1,1	1791,5	56,5
бошқа ҳаражатлар	115,6	3,6	11,4	0,3	104,2	3,3

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг 2020 йил январь-март ойларида машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозларига йўналтирилган улуши 56,5 фоизни ташкил қилиб, умумий ҳажмга нисбатан юқори улушга эга бўлди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича  
асосий капиталга киритилган инвестициялар  
(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)**

*(млрд.сўм)*

	<i>январь-март</i>			
	<i>2019 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан %да</i>	<i>2020 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан %да</i>
<b>Жами:</b>	<b>2 847,7</b>	<b>100,0</b>	<b>3 169,2</b>	<b>100,0</b>


*шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича*

	<i>январь-март</i>			
	<i>2019 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан %да</i>	<i>2020 й.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбатан %да</i>
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	216,9	7,6	295,6	9,3
тоғ-кон саноати	457,9	16,1	571,2	18,0
қайта ишлаш саноати	668,9	23,4	1023,2	32,3
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	100,7	3,5	248,6	7,8
сув билан таъминланиш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва йўқ қилиш	5,3	0,2	56,8	1,8
қурилиш	71,6	2,5	107,8	3,4
улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	91,0	3,2	102,4	3,2
ташиш ва сақлаш	229,7	8,1	114,2	3,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	4,7	0,2	12,6	0,4
алоқа ва ахборотлаштириш	10,3	0,4	14,9	0,5
молия ва суғурта фаолияти	14,6	0,5	24,0	0,8
кўчмас мулк билан боғлиқ ишлар	19,9	0,7	26,5	0,8
малакавий, илмий ва техникавий фаолият	21,1	0,7	62,2	2,0
маъмурий ва қўшимча хизматлар	26,2	0,9	31,9	1,0
давлат бошқаруви ва мудофааси; мажбурий ижтимоий таъминот	136,0	4,8	27,3	0,9
таълим	61,3	2,2	19,8	0,6
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	30,7	1,1	58,8	1,9
санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	72,9	2,6	73,4	2,3



	январь-март			
	2019 й.	Умумий ҳажмга нисбатан %да	2020 й.	Умумий ҳажмга нисбатан %да
уй-жой қурилиши	605,8	21,2	289,8	9,1
бошқа фаолият турлари	2,2	0,1	8,2	0,3

**Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича (умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш саноатида 1023,2 млрд. сўм (жами инвестициялар ҳажмида 32,3 %) ташкил этди. Тоғ-кон саноатида 571,2 млрд. сўм (18,0 %). Уй-жой қурилиши 289,8 млрд. сўм (9,1 %). Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 295,6 млрд. сўм (9,3 %). Давлат бошқаруви ва мудофааси; мажбурий ижтимоий таъминот 27,3 млрд. сўм (0,9 %) инвестициялар жалб қилинди. Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш 73,4 млрд. сўм (2,3 %). Ташиш ва сақлаш 114,2 млрд. сўм (3,6 %). Сув билан таъминланиш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва йўқ қилиш 56,8 млрд. сўм (1,8 %). Малакавий, илмий ва техникавий фаолият 62,2 млрд. сўм (2,0 %). Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш 58,8 млрд. сўм (1,9 %). Таълим 19,8 млрд. сўм (1,9 %) ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 12,6 млрд. сўм (0,4 %) инвестициялар ўзлаштирилди.

### **Ижтимоий соҳа объектларини қурилиши**


2020 йил январь-март ойларида умумий майдони 325,0 минг кв.м бўлган 1386 та шундан қишлоқ жойларида 262,6 минг кв.м 1092 та уй-жой фойдаланишга топширилди.

**Қурилиш фаолияти.** 2020 йил январь-март ойларида 951,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,0 %ни ташкил этди.


Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 71,7 %и бинолар ва иншоотларни, 12,8 %и фуқаролик қурилиши объектларини ва 15,5 %и ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 928,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 97,5 %ни (2019 йил январь-март ойига нисбатан ўсиш суръати 102,1 %ни) ташкил қилди.

**Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари  
билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти**  
(умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида)



**Қурилиш ишлар ҳажмининг ўсиш суръати**  
(2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан, %да)



Хусусан юқори ўсиш суръатлари Қибрай тумани 136,4 % ва Бўстонлик тумани 117,8 % кузатилди. Аксинча энг паст кўрсаткич Чиноз тумани 73,7 % Юқоричирчиқ тумани 85,0 % ва Оққўрғон тумани 85,6 %ни ташкил қилди.

2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига қурилиш соҳасида 3706 та корхоналар ва ташкилотлар рўйхатдан ўтган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 772 тага ёки 26,3 % га кўпдир. Шунингдек, 2020 йил январь-март ойларида вилоятда 183 та қурилиш соҳасидаги корхоналар ва ташкилотлар янги ташкил этилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 32,0 фоизга камайган.

### Рўйхатга ўтганлар сони

- 2020 йил 1 апрелда 3706 та
- 2019 йил 1 апрелда 2934 та

### Фаолият кўрсатаётганлар сони

- 2020 йил 1 апрелда 3161 та
- 2019 йил 1 апрелда 2444 та

### Янги ташкил этилган сони

- 2020 йил 1 апрелда 183 та
- 2019 йил 1 апрелда 269 та

2020 йилнинг 1 апрель ҳолатига қурилиш соҳасида 3693 та кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 767 тага ёки 26,2 % га кўпдир. Шунингдек, 2020 йил январь-март ойларида вилоятда 183 та кичик бизнес субъектлари янги ташкил этилган, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 86 тага ёки 32,0 фоизга камайган.

### Қурилиш соҳасида кичик бизнес субъектларини таҳлили, бирликда

